

АЛЛОМА БАДРИДДИН АЙНИЙ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ

Зойирова Ҳафиза

*Имом Бухорий номидаги Тошкент  
ислом институти ўқитувчиси*

Абу Мұхаммад Бадриддин Айний ал-ҳанафий Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Мусо ибн Аҳмад хижрий IX аср уламоларидан. У зот бир вақтнинг ўзида ҳам мұхаддис, ҳам муаррих (тарихчи), ҳам ҳуқуқшунос аллома бўлган. Боз устига, бутун мамлакатни оёқда тутиб турган давлат тизимларининг тизгинларини ҳам қўлларида ушлаб турганлари, алоҳида таҳсинга сазовор.

Абу Мұхаммад Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Мусо ибн Аҳмад “Бадриддин ал-Айний” номи билан машҳурдир. Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Мусо хижрий 762-йил рамазон ойининг 17-куни, Айнташ шаҳрида туғилган (шогирди Ибн Тағрий Бардийнинг сўзига кўра шундай<sup>7</sup>, аммо Саховийнинг ёзишича, хижрий 762-йил рамазон ойининг 27-кунида таваллуд топган<sup>8</sup>). “Айний” номи шу шаҳарга нисбатандир<sup>9</sup>. “Айнабий” сўзи енгиллаштирилиб “Айний” дейилган<sup>10</sup>. (Айнаб – Антаб Туркияning жануби, Сурияning шимолида жойлашган шаҳар. Араблар, Салжуқийлар ва Усмонийлар ҳукмронлиги даврида шу ном билан аталган. Кейинчалик 1921 йил 8 февралда бу шаҳарга “Ғози, гази” сўзи кўшилиб, “Ғозиантаб, Газиантеб” деб номланадиган бўлди<sup>11</sup>).

Маҳмуд илмли, зиёли оиласда дунёга келди. Отаси ўғлининг илм олиши учун бор имкониятини ишга солди. Маҳмуд Қуръони каримни тўлиқ ёд олди, ўқиш-ёзишни ўзлаштириди. Отаси ва бошқа шайхлардан ҳанафий фикҳини ўрганди. Шаҳрининг бир неча уламоларидан мантиқ, араб тили, тафсир илмларини таълим олди. Милодий 1381 хижрий 783 йил, 21 ёшида Сурияning катта шаҳарларидан бири бўлмиш Ҳалабга (Алеппо) билимини ошириш учун йўлга отланди. У ерда Жамолиддин Юсуф ибн Мусо ал-Малатийдан фикҳ илмини, шайх Шамсиддин Мұхаммад Роъий ибн

<sup>7</sup> Абул Маҳосин Юсуф Ибн Тағрий Бардий. Ан-нужумуз заҳироҳ фий мулуки миср вал қоҳиро. –Ж.16.

–Қоҳира: Дарул кутуби ва ал-мисрийя, 1956/1375. – Б.8

<sup>8</sup> Шамсиддин Мұхаммад ибн Абдураҳмон ас-Саховий. Аз-Зовъул ламиъ ли аҳлил қорнит тасиъ –Ж.10.

–Байрут: Дарул жалил, 1992/1412. – Б.131.

<sup>9</sup> Шамсиддин Мұхаммад ибн Абдураҳмон ас-Саховий. Аз-Зовъу ал-ламиъ ли аҳли ал-қорни ат-тасиъ.

– Ж.11. –Байрут: Дарул жалил, 1992/1412. – Б. 216 .

<sup>10</sup> Солиҳ Юсуф Маътуқ. Бадруддин ал-Айний ва асаруҳу фи ӯилми ал-ҳадис. – Байрут: Дарул башаири ал-исламийя, 1987. – Б. 55.

<sup>11</sup> [Электрон ресурс]. Кириш тартиби: <https://ar.m.wikipedia.org/wiki> عتاب - ويکیپیدیا

Зоҳиддан лугат илмини ва бошқа етук олимлардан таълим олди<sup>12</sup>. Бир муддат ўтиб яна юртига қайтди.

Отасининг вафотидан сўнг, Айний илмга муҳаббати кучлилигидан яна билим олиш учун сафарга отланди. Милодий 1383, хижрий 785 йили 23 ёшида ҳадис илмидан тўла-тўкис насибадор бўлиш мақсадида Дамашқ шаҳрига йўл олди. У ерда ҳадис илми бўйича йирик мактаблардан бири “Нурия” мадрасасига ўқишга қабул қилинади. Бир қанча етук устозлардан таҳсил олади. Дамашқда узок турмайди, Ҳалаб юртига бўлган меҳри туфайли яна ўша шаҳарга қайтади<sup>13</sup>.

Милодий 1384, хижрий 788 йили, ёши 25 га етганда ҳаж фарзини адо этиш учун Маккаи Мукаррамага сафар қиласи. Макка ва Мадина шаҳарларида турган пайтида у ернинг олимлари билан учрашади, илм олади. Сўнг ўз ватанига қайтиб, ўзи ҳам дарс беришни бошлайди. Кўшни ўлкалардан кўплаб талабалар ундан таҳсил олиш учун келишади.

Орадан икки йил муддат ўтиб, Маҳмуд ибн Аҳмад Фаластиндаги Байтул Мақдисга, милодий 1386, хижрий 788 йили сафар қиласи<sup>14</sup>. У ерда асрининг етук олимларидан шайх Алоуддин ас-Сайромий олдига бориб, таълим ола бошлайди. Шу йилнинг ўзида устози билан Қоҳира шаҳрига кетади.

Шайх Сайромий Қоҳирага келганда, Миср султони Зоҳир Сайфиддин Барқуқ уни чиройли кутиб олади, унга иззат икром кўрсатади. Султон шайх Сайромийни ўзи барпо қилган катта “Зоҳирия” мадрасасига устоз этиб тайинлайди. Алоуддин Сайромий ақлли, илмли шогирди Айнийни дарс беришда ўзига ёрдамчи қилиб олади.

Айний Қоҳирада қулай фурсатдан фойдаланиб, машҳур шайхлардан ҳадис илмини ўрганишга жидду-жаҳд билан киришади. Сирожиддин Балқиний, Зайнул Ироқий, Тақийюддин ад-Дажавий ва бошқа йирик устозлар қўлида имом Аҳмаднинг “Муснад”и, имом Дорикутний, имом Доримийларнинг “Сунан”лари, имом Бағовийнинг “Масобийхус сунна”, имом Насаийнинг “Сунанул Кубро” асарларини таълим олади.

Милодий 1388, хижрий 790 йил шайх Сайромий вафот этади. Устози ўрнига Айний Зоҳирия мадрасасида дарс бера бошлайди. Аммо икки ойдан сўнг мадрасадан кетади. Ватанига қайтиб у ерда ёзаётган асарлари устида

<sup>12</sup> Бадруддин Маҳмуд Айний. Иқдул жуман фи тарихи аҳли аз-заман [565-628 ҳ.й]. –Ж. 1. – Қоҳира: Дарул кутуб ва ал-васаиқ ал-қовмийя, 2010. –Б.19.

<sup>13</sup>[Электрон ресурс]. Кириш тартиби: <http://islamonline.net> بدر الدين العيني .. معلم السلاطين - إسلام أون لاين

<sup>14</sup> Солиҳ Юсуф Маътүқ. Бадруддин ал-Айний ва асаруҳу фи ъилми ал- ҳадис. – Байрут: Дар ул- башаири ал-исламия, 1987. – Б. 59.

ишлайди. Унинг илм таҳсил олиши ва таълим беришидаги шиҷоати, кучғайрати атрофга ёйилади.

Бироз муддатдан сўнг Айний яна Қоҳирага сафар қиласи. Шаҳар аҳли ҳам уни хурсандчилик билан кутиб олади.

Бадриддин Айний Қоҳирада бир неча лавозимларга тайинланган... Милодий 1398, хижрий 801 йилда ал-Макризийнинг ўрнига бош назоратчи этиб тайинланади. Бош назоратчи вазифасини ўташ даврида Айний шариат қонунларининг амалда қўлланилиши, бозорларнинг ҳолати, бозордаги молларнинг тўлиқлигини қаттиқ назоратга олар эди. Бозорлар тартибсиз ҳолга келиб, савдо молларида етишмовчилик қузатилганда, нархлар кўтарилиб кетган пайтларда султонларнинг ўзлари Айнийга бу вазифани ўзи бошқаришини сўраб мурожаат қилишган. Чунки унинг ҳалоллиги, холислиги ва бу ишга лаёқати борлигини билишар эди. Шунинг учун бу вазифага бир неча бор қайта тайинланар эди.

Милодий 1416, хижрий 819 йилда унга вақф нозири вазифаси топширилади. Бу ишда 34 йил хизмат қиласи.

Милодий 1426, хижрий 829 йилга келиб, Султон Бийбарс даврида ҳанафий қозиларининг каттаси этиб тайинланади.<sup>15</sup> Қозилик вазифаси фақатгина шахсий ҳаётий масалалар билан чекланиб қолмаган. Балки уларга мурожаат қилинадиган ҳар қандай масала, у ҳоҳ жиноий иш бўлсин, ёки (маъмурий) фуқаролик иши бўлсин, юзага келган муаммони қози ҳал этиши керак эди. Шу билан бирга мусулмонларга намозларида имомлик қилиш, танга босиб чиқариладиган зарбхоналарда танглар бутунлиги ва уларнинг вазнларини назорат қилиш ҳам қозининг вазифаси сирасига кирган.

Бадриддин Айний бу вазифаларнинг машаққати, қийинчилигига қарамасдан, таълим беришдан асло тўхтамади. Хижрий 818 йилда очилган “Муайиидий” мадрасасида ҳадис илмидан, “Маҳмудий” мадрасасида фикҳ илмидан таълим беради. Шу билан бирга тарих, нахв фанларидан ҳам дарс ўргатади. Натижада, унинг кўлида бир қанча илмли шогирдлар етишиб чиқди. Ҳанафийларнинг етук фақиҳ олимларидан бири Камол ибн Хумом, Шамсиддин Саховий, абу Фазл Асқалоний, Юсуф ибн Тағрий Бердий ва бошқалар шулар жумласидандир. Бадриддин Айний хижрий 814 йил Қоҳирада мадраса ташкил этди ва унда то вафотига қадар таълим берди.

<sup>15</sup>[Электрон ресурс]. Кириш тартиби: <https://islamonline.net/archive> بدر الدين العيني .. معلم السلاطين - إسلام أون لاين

Бадриддин Айний Миср султонларидан кўпи билан асрдош бўлган. Баъзилари билан ўрталарини мустаҳкам алоқа боғлаб турган. Айниқса, султон Бийбарснинг Айнийга нисбатан ҳурмати қучли бўлиб, ораларида муносабатлар мустаҳкам эди. Айний турк тилини яхши билиши бу алоқаларнинг ортишига ёрдам берди. Чунки Султон араб тилини яхши билмас эди. Айний кечалари бир неча соат Султонга шариат таълимотларини ўргатар, фиқхнинг нозик, тушуниш қийин бўлган ўринларини батафсил тушунтириб берар, тарих борасидаги асарини турк тилига таржима қилиб ўқиб берар эди. Султон Бийбарс устози Айнийнинг ҳузурида толиби илм ўлароқ ўтиришдан асло ҳижолат бўлмаган, балки доим бу билан фаҳрланган. Атрофидаги кишиларга ҳам: “Қози Айний бўлмаганида Исломимиз гўзал бўлмас эди”, деб очик-ойдин айтар эди<sup>16</sup>.

Султон Бийбарс ўзига келадиган элчиларни кутиб олиш, қўшни ўлкалардан келадиган мактубларни таржима қилиш каби масъулиятли вазифаларни ҳам устози Айнийга топширади.

**Жаҳон илмий хазинасига қўшган ҳиссалари.** Бадриддин Айний фиқх, ҳадис, тарих, араб тили каби турли хил мавзуларда бир қанча асарлар таълиф қилганлар. Бу асарларнинг баъзилари бир неча жилдлардан ташкил топган. Улардан машҳурлари:

- “Умдатул қорий фи шарҳи сахихил Бухорий”<sup>17</sup>. Бу ҳадис илмида “Сахихул Бухорий” асарига ёзилган шарҳларнинг энг каттаси. Бу шарҳни олим 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида ёзган, 11 жилдан иборат

- “Ал-баная фи шарҳил ҳидая”. Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” китобларига ёзган шарҳлари бўлиб, ҳанафий фикҳида йирик китоблардан бири. Бу асар 13 йил давомида битилган, 10 жилдан иборат<sup>18</sup>

- “Ал-мақосидун нахвийя фи шарҳи шаваҳиди шуруҳил алфия”<sup>19</sup>

- “Минхатус сулук фи шарҳи тухфатил мулук”

- “Рамзул ҳақоик фи шарҳи канзид дақоик”. Бу ҳам ҳанафий фикҳида бўлиб, 2 жилдан иборат

- “Иқдул жуман фи тарихи аҳлиз заман”. Бу тарихга оид асар бўлиб, инсоннинг яралишидан то ҳижрий 850, милодий 1447 йилгача бўлган тарихий ҳодисаларни ўз ичига олган

<sup>16</sup> [Электрон ресурс]. Кириш тартиби: <https://islamonline.net/archive>

بدر الدين العيني .. معلم السلاطين

<sup>17</sup>[Электрон ресурс]. Кириш тартиби: [كتاب عمدة القاري شرح صحيح البخاري - المكتبة الشاملة](http://shamela.ws) (shamela.ws)

<sup>18</sup> Бадруддин Айний Маҳмуд ибн Аҳмад Айнабий. Ал-Баноя шарҳул Ҳидоя. – Ж. 1. – Байрут: Дарул кутубул илмийя, 2000/1420. – Б.13.

<sup>19</sup>[Электрон ресурс]. Кириш тартиби: [كتاب المقاصد النحوية في شرح شواهد شروح الألفية - المكتبة الشاملة](http://shamela.ws) (shamela.ws)

- “Ас сайфу ал муханнад фи сийротил маликил муайяд<sup>20</sup>”
- “Фароидул қалоид фи мухтасар шархиш шавахид<sup>21</sup>”
- “Ар ровзуз захир фи сийротил маликиз зохир тотар”

Бадриддин Айний хижрий 814, милодий 1411 йилда мадраса ташкил этади. Фиқх ва ҳадис илмини ўрганиш истагидаги бўлган талабаларини шу ерга жамлайди. Барча китобларини толиби илмларга вакф қиласди. Милодий 1451, хижрий 855 йилда 93 ёшида оламдан кўз юмади ҳамда хозирда масжид бўлган ўз мадрасасига дафн қилинади.

---

<sup>20</sup>[Электрон ресурс]. Кириш тартиби: <https://ar.m.wikipedia.org/wiki> عنتاب - ويکیپیدیا

<sup>21</sup>[Электрон ресурс]. Кириш тартиби: <https://books.google.co.uz/books/about>

المشهور بالشواهد الصغرى : فرائد القلائد في مختصر شرح الشواهد